ЎЗБЕК ОПЕРАСИНИНГ ИЛК ПРОФЕССИОНАЛ САҲНА БЕЗАКЛАРИ: УСТА МЎМИН (НИКОЛАЕВ) ТАЖРИБАСИ

Дилафруз Қодирова
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Ўзбек опера театри тарихи асрлар давомида яратилган ўзига хос халқ санъати (мусиқа, қўшиқ ва рақс)нинг Европа мусиқали театри тажрибаси билан синтезидан иборат. Ўзбек опера ва балет театрининг унсурлари XX аср бошида драматик ва мусиқали-драматик спектакларни яратишда тенг иштирок этган илк театр труппалари фаолияти асосида шаклланган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, кейин Маннон Уйғур, Муҳиддин қори Ёқубовлар айнан мусиқий-драматик асосда ижод қилдилар. Муҳиддин қори Ёқубов раҳбарлигидаги мусиқали этнографик ансамбль ўзбек мусиқали театри пойдеворини қўйишда муҳим роль ўйнаган.

1929-йилда ансамбль негизида мусиқали театр ташкил этилган. 1930-йил ўрталарига келиб, труппа таркибида 30 дан ортиқ санъаткор бўлиб, улар орасида: Муҳиддин қори Ёқубов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Ғулом Абдураҳмонов, Бобораҳим Мирзаев, Зуҳур Қобулов ва бошқалар бор эди.

Томошабинларда катта қизиқиш уйғотган илк миллий спектакллар сифатида: Г.Зафарийнинг “Ҳалима”, Т.Жалилова ва М.Ашрафий “Ичкарида”, шунингдек, Алишер Навоий достонлари асосида В.Успенскийнинг “Фарҳод ва Ширин”, Т.Содиқов, Н.Мироновнинг “Лайли ва Мажнун” спектакллари саҳналаштирилган. Мазкур мусиқали драмалар миллий опера ва балет асарларининг яратилишига замин яратган.

1939-йил 11-июнда бўлиб ўтган биринчи ўзбек операси “Бўрон” (М. Ашрафий ва С. Василенко)нинг премьераси миллий мусиқали театр тарихида янги саҳифа очган. Режиссёр Эмил Юнгвалд-Хилкевич томонидан ишланган ушбу опера республика маданий ҳаётида ёркин воқеага айланган. Спектаклда Бўрон ролини Карим Зокиров ва Михаил Давидов, Наргул партиясини Ҳалима Носирова, Шаҳодат Раҳимова, Сора Самандарова ва Назира Аҳмедова, генерал-губернаторни Муҳиддин Қори-Ёқубов ижро этишган. Ўша йили бастакор Фридрих Таль Мукаррама Турғунбоева ва Уста Олимнинг фаол иштирокида саҳналаштирилган “Шоҳида” балетини яратган. Ўша вақтдан бошлаб, театр янги мақомга эришиб, у “Ўзбек Давлат опера ва балет театри” деб аталган.

Аммо опера санъатининг профессионал ривожланишида А.Козловскийнинг “Улуғбек” операси (1942) ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Г.Герус ва А.Козловский ёзган мазкур опера либреттоси тарихий материалга асосланган. Мирзо Улуғбек, унинг ўғли Абдуллатиф, Шайх Хўжа Аҳрор тарихий шахслардир. Лекин либреттода, кейин эса мусиқий партитурасида Улуғбекнинг шахсий драмасига устунлик берилиши ижтимоий зиддиятга соя солган. Операнинг марказий фигураси Хитой императори томонидан совға сифатида юборилган, ота ва ўғил - Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасидаги можарога сабабчи бўлган хитойлик ёш қиз Син-Дун-фан дир. Спектаклдаги воқеаларда - иккаласи ҳам гўзал хитой аёлини севиб қолгани диққат марказига қўйилган. Син-Дун-фан Улуғбек Мирзога ўз муҳаббатини, унинг ўғлидан эса жирканишини яширмайди. Рашк ва ҳасаддан қийналган Абдуллатиф отасидан ўч олишга қасам ичади. Опера Син-Дун-фанни ҳимоя қилишга уринган Улуғбекнинг ўлими билан якунланади. Жиддий тарихий мавзунинг бу

тарзда талқин қилиниши тамоман нотўғри эди. Замондошларнинг фикрича, опера саҳнасининг икки йирик вакили операдаги ролларини талқин қилишда катта экспрессивликка эришган. Улуғбек ролида Қори Ёқубов ва Син-Дун-фан ролида Ҳалима Носирова бутун маҳоратларини намойиш этишган.

Спектаклда сарой фисқу-фасодлари, ўғли Абдуллатифнинг сотқинлиги туфайли Улуғбекнинг қалбида кечаётган зиддиятлар, унинг ҳукмдор сифатида давлат ишлари билан, олим сифатида илм-фан билан шуғулланиши, бу билан боғлиқ зиддиятлар туфайли туғилган изтироблари ўз ифодасини топган.

Мазкур спектаклнинг саҳна декорациясини Усто Мўмин номи билан машҳур А.Николаев яратган. Унинг эскизлари асосида фақат бир нечта спектакллар саҳналаштирилган. Бу машҳур рассомнинг “Шарқ маданиятини мукаммал билиши, асарларидаги ажойиб услуб, рангларнинг юксак эмоционаллиги, маконнинг пластик ташкил этилиши, композицияларининг мусиқий табиати, юксак тасвирий маданияти ҳамкасблари ижодига самарали таъсир кўрсатган. 30-йиллар охири — 40-йиллар бошида бутун ўзбек театр-декорацияси санъатида тасвирий ва фазовий безак етакчи ўрин эгаллаган” (1).

"Улуғбек" спектакли декорацияси Усто Мўминнинг опера саҳнасидаги дебют - дастлабки иши бўлса-да, у ўзини мусиқий спектаклнинг нозик жиҳатларини чуқур ҳис қиладиган рассом сифатида кўрсатган. У мазкур спектакль декорациясида маиший ҳаёт иллюзияси орқали темурийлар давридаги сарой ҳамашати ва маҳобатини тўлақонли акс эттиришга эришган. Биринчи актнинг катта композициясида оммавий мизансаҳналар ифодавий воситаларга асослангани, саҳнада Улуғбек саройига ташриф буюрган чет мамлакатлар элчилари кириб келишининг намойиш қилиниши, улар ўзлари билан олиб келган санъаткорларнинг ёрқин ритуал ниқоблари ва миллий либосларининг таъсирли чиққанлиги шуни кўрсатади. Режиссёр операнинг лирик ва романтик тили, нозик психологик ва драматик темпераментидан келиб чиққан ҳолда, рассом Уста Мўмин зиммасига катта вазифа юклаган.

Рассом мусиқали-драматик хатти-ҳаракатни мусиқа услубига ҳамоҳанг образли-эмоционал декорацияларда кўрсатишни истаган. У мусиқа билан боғлиқ драматик-фожиали воқеаларга муносабатини ранг, колорит орқали амалга оширган. Эмоционал вазиятлар контраст ранглар ва ёруғликка асосланиб қурилган. Мусиқали образлар ҳаракати саҳнадаги рангтасвир декорацияларининг ҳаракатини ҳам таъминлаган.

Мусиқа билан рангтасвир ўртасидаги алоқа биринчи актнинг финалидаёқ Улуғбек мадрасасининг очилиши тантанасида кўринади. Ҳукмдор мадраса қурилиши якунланишини карнай-сурнай садолари остида тантанали эълон қилинган муҳташам байрам билан нишонлайди. Декорациялар тасвирий ёрқин ва рельефли бўлиб, томошабинлар темурийлар даври Самарқанд шаҳрининг ҳақиқий муҳитини сезиб турган.

Мадраса мудирини сайлаш саҳнаси Самарқанд расадхонаси деворлари остида бўлиб ўтади. Парда очилганида расадхона яшил бахмал осмон фонида ўзининг маҳобатли шаклини кўрсатади. Юлдузлар сари кўтарилган улкан зинапоянинг нисбати бинонинг монументаллиги ҳақидаги таассуротни яратади, буни саҳнанинг олдинги қисмига олиб келинган оддий анжомлар таъкидлайди, уларнинг кичик ўлчамлари улкан зинапоянинг улуғвор кўламини намойиш этади.

Давр руҳи ва воқеа муҳити 2-актнинг безагида ҳам кўринади. Улуғбек расадхонаси гўзал, романтик тун қўйнида, қора осмондаги ёрқин юлдузлар кўринишида, Самарқанд

шаҳрининг миноралари ва гумбазлари (орқа парда) тасвири фонида кўрсатилади. Спектаклнинг учинчи кўриниши ҳам таъсирчанлиги жиҳатидан бундан кам эмас. Самарқанд қўрғонининг кўҳна деворлари, оғир, икки табақали дарвозалар ва қонли, ташвишли тун бўлғуси даҳшатли ҳодисалардан дарак беради. Спектаклнинг 4-актида режиссёр икки планли саҳнавий композицияни таклиф этган. Биринчи майдончада Абдуллатиф қучоғидан чиқиб кетолмаётган Син Дун-фаннинг шахсий драмаси намойиш қилинади. Улуғбек орқасида эса Шайх калон ва унинг тарафдорлари уюштирган фитна бўлиб ўтади. Бу саҳналар безаклари жуда ифодали тасвирланган.

Хитой қизи ўз хонасида худди миниатюрадаги тасвирдай қотиб, Улуғбекнинг тақдири ҳақида ўйлаётгандай қилиб кўрсатилади. Прожекторлар ёруғида оқ либослардаги шайхларнинг қиёфалари пайдо бўлиб, Хитой қизининг хавотирланиши асосланади. Шайхлар Улуғбекнинг устидан ҳукм чиқаришга тайёр. Финалдаги "Чўл" саҳнаси ҳам эффектли. Авансаҳнада икки чодир тикилган. Улуғбекнинг ўлими яқин. Орқа пардада қонли қизғиш булутли осмон тасвири кўрсатилади.

Шундай маҳобатли, ўзининг улуғворлиги билан таъсирчан декорация қуршовида икки олам тўқнашуви - илм маърифат ва жаҳолат кураши кўрсатилади. Спектаклнинг драматик ва мусиқий авж нуқтаси фожиага тўла охирги саҳнада содир бўлади. Қадимий қалъа деворлари маъюс кўринади. Олдинда оловнинг қип-қизил нури билан ёритилган шаҳар деворлари яқинидаги қулаб тушган минора кўринади.

Спектакль учун либослар устида синчковлик билан иш олиб борилгани алоҳида эътирофга муносиб. Ушбу спектаклдаги ҳар бир қаҳрамон ўзига хос ташқи кўриниш, мос грим ва либос билан таъминланган. Рассом Усто Мўмин декорация ва либосларни ягона мураккаб матога тўқиб, мусиқий жанрнинг ўзига хос хусусиятларини бўрттириб кўрсатди. У ранг ва ёруғликнинг контрасти орқали керакли ҳиссий ҳолатга эришган. Спектакль саҳнасида очиқ мадраса, расадхона, кўҳна Самарқанднинг умумий кўриниши гўзал манзарада яққол ва ёрқин акс этган.

“Улуғбек” операси ўзбек халқ куйларининг ҳаётбахш булоқларидан озиқланиб, миллий тус олган. Умуман, ўткан аср қирқинчи йиллари учун “Улуғбек” операси инновацион эди, дейишимиз мумкин. Мазкур спектакль Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри учун мусиқий ғалабалар силсиласида дастлабки асарлардан биринчиси бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. А.Сосновская, М.Мюнц. Художники театра и кино. Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1982. С 10.